



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Термиз давлат университети ректори

А.Ҳ.Тошқулов

2017 йил

“Абитуриентлар аризасини электрон қабул қилиш (бакалаврият)” интерактив хизматининг намунавий регламенти

Хизмат таърифи

1.1. Хизмат (паспорти) номланиши

Қиска номи: Абитуриентлар аризасини электрон шаклда қабул қилиш. Кенгайтирилган номи: Термиз давлат университети расмий сайти орқали «Абитуриентлар аризасини электрон қабул қилиш (бакалаврият)»

1.2. Хизмат натижаси

Аризачини Термиз давлат университетининг бакалавриятига кириш учун ариза қабул қилинганлиги ҳақида хабардор қилиш.

1.3. Хизмат кўрсатувчи

Хизмат Термиз давлат университети томонидан кўрсатилади.

1.4. Хукукий асослар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги "Олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабалар ўқишани кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида"ги 393-сон қарори.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Ўрта ёки ўрта махсус маълумотга эга фуқаролар.

1.6. Ариза бериш муддатлари

Абитуриентлардан аризалар қабул қилиш белгиланган муддатларда муддат кўрсатилган ҳолда амалга оширилади.

1.7. Бажарилиш муддатлари

3 (уч) иш куни.

2. Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот тақдим этиш

2.1. Маълумот таркиби ва ҳажми

Мазкур хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилган ҳар қандай фойдаланувчига қуйидаги ахборот тақдим этилади:

- хизмат кўрсатувчи органнинг жойлашган жойи, иш тартиби ҳақидаги маълумот;
- хизматдан фойдаланиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати;
- ариза бланкасини тўлдириш тартиби ҳақида маълумот;

- хизматдан фойдаланиш муддатлари;
хизматнинг регламенти мавжудлиги тўғрисида маълумот .

2.2. Батафсил маълумот олиш

Термиз давлат университетининг расмий веб-сайти оркали.

2.3. Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш

Термиз давлат университети қабул комиссияси манзили кўрсатилади.

Иш вақтлари ва муурожаат жавобларини кутиш вақтлари

3.1. Иш вақтлари

Термиз давлат университети қабул комиссияси душанба - шанба куни соат 09⁰⁰-17⁰⁰ га қадар фаолият олиб боради.

3.2. Кутиш шартлари

3 (уч) иш куни.

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1. Зарур бўлган ҳужжатлар

- расм (3.5 x 4.5) (рангли .JPG, .JPEG, .PNG форматда, ок фонда, фотошоп ёки шунга ўхшаш дастурлардан фойдаланиш таъқиқланади):

- ЭРИ (электрон рақамли имзо);

- жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ).

Қуйидаги ҳужжатларнинг сканерланган нусхаси талаб этилади:

- Ўрта мактабни тугатганлиги ҳақидаги шаходатнома (аттестат) ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасасини тугатганлиги ҳақидаги диплома;

- Ҳарбий гувоҳнома (эркаклар учун).

(Қўшимча ҳужжатлар талаб этилса кўрсатилсин).

4.2. Хизмат тўлови

Бепул.

4.3. Хизмат кўрсатиш босқичлари

Термиз давлат университетининг расмий сайти оркали хизмат кўрсатиш босқичлари:

1. id.gov.uz оркали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади;

2. Интерактив хизматлар бўлиmidан "Абитуриентлар аризасини электрон қабул қилиш (бакалавриат)" хизмати танланади;

3. Ўқув тили, таълим йўналиши ва имтихон топшириш тили танланади (киритилади) ва ҳужжатларнинг электрон нусхаси илова қилинади;

4. Аризачининг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ) киритилади;

5. Ариза тўғри тўлдирилганлиги тасдиқланади. "Электрон рақамли имзо билан юбориш" функцияси танланади ва ариза юборилади.

(Қўшимча босқичлар бўлса кўрсатилсин).

4.4. Хизмат кўрсатишининг ички идоравий жараёни

1. Масъул ходим томонидан мурожаат қилувчига ариза қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабар юборилади.
2. Аризага рад жавоби берилса, рад этиш учун асослар мурожаат қилувчига юборилади.
3. Аризачи ҳужжатларининг асл нусхасини электрон ариза қабул қилингандан кейин 5 кун ичида Термиз давлат университети қабул комиссиясига топшириши шарт.


4.5. Рад этиш сабаблари

Ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган бўлса.

“ КИРИТИЛДИ ”

Термиз давлат университети

Ўқув ишлари бўйича проректор

 ў. Ч. Ахмедов


“ ” _____ 2017 й

“ КИРИТИЛДИ ”

Термиз давлат университети

Ахборот технологиялари

маркази бошлиги

 Х. А. Чориев

“ 10 ” 11 _____ 2017 й